

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ НАЗАРИЯСИ” фанидан
“Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанининг предмети ва методи”
модули бўйича**

БИТИРУВ ИШИ

**Тингловчи: Жуманиязов И.Б.
Раҳбар: доц. Махкамбоев А.Т.**





Биринчи Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида “Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” номли рисоласида шундай деб таъкидлайди: "Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб этиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак". Бу тезис ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдига қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг устувор йўналишларига бағишлиланган ВМ кенгайтирилган мажлисида..... “Аввалги учрашувларда таълим ва илм фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таъминлашнинг янги, замонавий усулларини жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш соҳадаги ишлар ахволи танқидий таҳлил қилиб борилган эди. Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2200 та муассасанинг моддий техник базаси мустаҳкамланди. Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимиизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда қадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифаси турибди.”

Ўзбекистон Президенти Ш.М Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси



ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Ҳар қандай мамлакатнинг куч қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бу эса бевосита таълим сифатига боғлиқдир

Фан-техника тараққиёти натижалари иқтисодиёт ва ҳизмат кўрсатиш тармоқларига жорий этилаётган бир вақтда жамиятга юқори малакли ташаббускор ижодкор кадрлар зарурлиги

Дунёнинг таълим соҳасидаги илғор тажрибасини ўрганиш натижасида модулли ўқитиш тизими - истиқболли эканлиги аниқланиб, у таълим олувчиларнинг билимларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга имконият яратади

БИТИРУВ ИШИНИНГ МАҚСАДИ

**Ўқитиши жараёнида
педагогик ва ахборот
технологияларини қўллаш
ҳамда модул тизимидан
фойдаланиш орқали
“Бухгалтерия ҳисоби
назарияси” фанини
ўзлаштириш
самарадорлигини
оширишга қаратилган**

БИТИРУВ ИШИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани соҳасининг устувор йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш;
- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани бўйича 2016-2017 ўқув йили учун Силлабус ишлаб чиқиш;
- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” модул бирлиги бўйича кейс, амалий топшириқлар ва ишланмаларни тайёрлаш;
- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” модул бирлиги бўйича асессмент ишлаб чиқиш;
- “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фанини модулли ўқитиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув ишининг объекти, предмети ва амалий аҳамияти

“Бухгалтерия ҳисоби назарияси” фани бўйича тайёрланган “Асосий воситалар аудити” модул бирлиги ишнинг *объекти* ҳисобланади.

Модул юзасидан ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқиши ва унинг асосида модул тизимида ўқитиш жараёнларини ташкил этиш ишнинг *предмети* ҳисобланади.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган “Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанининг предмети ва методи” мавзусидан модулли ўқитиш бўйича ишланмалар ва тавсиялардан Олий таълим муассаларининг “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши учун ўқув жараёнида фойдаланилиш мумкин.

- Ўқитишининг **Интерфаол** услубиётлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишининг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилиниб тушуниш, **Ижод** қилиш ва **Фикрлаш** имкониятига эга бўладилар
- **Интерфаол** дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларниң фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтириб туришдан иборат бўлади

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРУВЧИ ҚУЙИДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА:

**таълим тизимини дунё миқёсида интеграциялашуви ва
таълим фаолиятининг барча соҳалари
бўйича тажриба алмашиш имкониятини яратиши;**



**олий таълимни босқичма – босқич амалга ошириш,
таълим жараёнини аниқ мақсадга йўналтириб,
бу жараённинг ўқувчи шахсига қаратиши;**



**иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардош
кадрларни тайёрлаш ва етказиш;**



**каслар интеграцияси негизида кенг профилли кадрлар
тайёрлаш тизимини жорий қилиш, таълим
мазмунидаги такрорланишга тўла бархам бериш**

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Бухгалтерия ҳисоби фани тараққиётининг устувор йўналишлари

Тарихда маълум бўлган нарсаларни ихтиро қилиш учун бекорга вақт сарфлаб, янгидан “ғилдирак кашф этиб” юрмайди. Бухгалтерлик илмининг тарихини ўрганувчи уни такомиллаштиришга ҳаракат қилиши, фандаги ҳаққонийлик ва холисликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиши ҳамда унинг истиқболини тасаввур эта олиши мумкин. Зеро, “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”.

Бухгалтерия ҳисобига оид илмий ва ўқув адабиётларида ҳисоб инсоният тамаддуни (цивилизацияси) билан бирга тахминан 6000 йиллар муқаддам вужудга келганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича биринчи асар XV асрда Регузда пайдо бўлди. Бунга мисол қилиб Вендрит Катрульининг 1458 йилда нашр қилинган “Савдо ва хусусий савдогар” номли китобини келтириш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобига бағишлиланган иккинчи асар 1494 йилда Венецияда нашр қилинган Лука Пачолининг “Счёtlар ва ёзувлар хақида”ги китобидир.

Лука Пачоли (1445-1517) – буюк математик, диграфик ҳисоб тизимининг асосчиси, «Счетлар ва ёзувлар ҳақидаги асар» (1494)нинг муаллифидир.

Барча фанлар қатори бухгалтерия ҳисоби ҳам ўз тарихи давомида такомиллашиб келмокда ва бир қанча бошқа фанларнинг вужудга келиши учун методологик асос бўлиб хизмат қилмокда. Чунки ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, корхоналарнинг йириклилашуви, хўжалик фаолиятининг кенгайиши иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ҳисоб ишларини такомиллаштириш заруратини тугдирди.

Шу боис, XVI - XVII асрларда бухгалтерия ҳисобига бағишлиланган китоблар Италия, Франция, Германия, Англо-америка, Россия каби мамлакатларда чоп этилди.

Ўтмишда аждодларимиз ҳам ҳисоб-китоб илмига алоҳида аҳамият беришган. Жумладан, «Темур тузуклари»да ҳисоб, молия ва назорат ишлари мамлакатни бошқаришда муҳим восита бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Масалан, «Раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуги»да салтанатни бошқаришда ҳисоб ва назорат ишлари ҳақида шундай дейилган:

«... ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун бўлиб, ундан йиғиладиган солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол-мулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни **тартибга келтирсин**».

Демак, бизнинг мамлакатимиз тарихида ҳам ҳисоб, ҳисбот ва назорат ишлари тарққий этган дейишимизга асос мавжуд.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз изходий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга”.

¹ Темур тузуклари. Тошкент: 1996, 125 бет.

* Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация килиш йулини изчил давом эттириш - тараккиётимизнинг муҳим омилидир”. “Туркистон” газетаси, 2010 йил 8 декабр, 4 б.

Модулли таълим тизимида аудитория соатларига нисбатан мустақил таълимнинг ўқув соатлари кўпроқ бўлишлиги ўз навбатида ўқитувчилар штатига таъсир қиласи.

Бу ўз навбатида, ўқитувчилар мухитида қатта рақобатни юзага келтиради. Талабгор ўқитувчи бўлиш учун ундан:

- доимо ўз устида ишлаш;**
- назарий ва амалий жиҳатдан юқори малакага эга бўлиш;**
- соҳа бўйича инновациялардан хабардор бўлиш;**
- интерфаол ўқитиш усулларини қўллай билишни талаб қиласи.**

Бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилишнинг мейёрий манбалари қуидагилардан иборат:

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конуни (1996
йил 30 август)(2016 13.04.)

Конун 32 та моддадан иборат

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС)

Бугунги кунда 24 та БҲМС лари қабул қилинган

“Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва
сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий
натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”
ги Низом (1999 йил 5 феврал 54-сонли)

1. Республикаизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари.

Бухгалтерия
ҳисобининг
вазифалари

-
- The diagram illustrates the functions of accounting in the republic. A large blue arrow points from the text 'Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари' (Functions of accounting) to four red-bordered boxes, each containing a function. The functions are:
- иқтисодиёт тармоқлари корхона ва ташкилотларда содир бўлаётган хўжалик жараёнларини кузатиб бориш;
 - кузатиш орқали олинган маълумотларни миқдорий кўрсатмаларда ифодалаш;
 - корхона, ташкилот, муассаса хўжалик фаолиятларини кузатиш натижаларини маҳсус ҳужжатларда қайд этиш;
 - маҳсус ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларни умумлаштириш ва гурухлаштириш, хўжалик жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва уларга таъсир этиш.




**Бухгалтерия
ҳисобининг
предмети**

- ишлаб чиқариш жараёнидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг самарали бошқарилишида маблағлар ҳолати ҳамда улардан унумли фойдаланиш ахборотларни ҳақидаги шакллантириш ҳисобланади.

«Бухгалтерия ҳисоби назарияси» фанининг долзарблиги

•

Иқтисодиётни мадернизациялаш шароитида турли мулкчилик шаклидаги, ташкилий иқтисодий жиҳатдан бир – биридан фарқ қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлишига замин яратилди. Шу муносабат билан турли мулкчилик шаклидаги субъектларда ҳисобнинг тўғри йўлга қўйилиши ва унинг устидан назоратнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.




ЎҚИТИШ

Педагогнинг талабага муносабати



**Бухгалтерия ҳисоби назарияси фанининг предмети
ва методи мавзусини технологик жараённинг
мазмуни ва моҳияти**



ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқорида кўриб чиқилган масалалардан келиб чиқиб, умумий хulosалар шундан иборатки, таълим сифатини таъминлаш – билим олувчиларнинг касбий тайёргарлик даражси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий хужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топади.

Якуний лойиҳа ишини тайёрлаш давомида олиб борилган изланишларимиз натижасида ўқитишнинг модулли ёндашувини олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига тадбиқ этишни янада такомиллаштириш учун қуидаги **тавсияларни бериш** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

таълим жараёнининг “бош” элементини шахс деб ҳисобласак, энг аввало, ҳам таълим берувчи, ҳам таълим олувчиларнинг **мальум даражадаги тайёргарлигини** таъминлашга, уларнинг замонавий модул тизими мазмун-моҳияти тўғрисидаги билимни чукур англашга эришишлари бўйича тизимли ишлар олиб бориш зарур;

профессор-ўқитувчилар таркибининг **малакавий даражасини** юқори ушлаб туриш учун **масофавий таълим** имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш лозим;

хорижий тажрибадан келиб чиқиб, турли соҳа мутахасисларини қайта тайёрлаш ва малакаларини оширишда, янги касб-хунар турларини эгаллаш, ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий тилларни ўрганиш бўйича **интенсив курсларни ташкил этишда** фойдаланиш керак;

таълим муассасининг **моддий-техникавий** базаси даражаси модулли ўқитиш талаб (масалан, дарс жадвалларини мос равишда тузиш, интернетдан фойдаланиш имконияти, интерфаол усуллар ёрдамида машғулот ўтказиш учун зарурӣ воситалар)лари даражасида шакллантириш;

турли **танлов ва грантлар** эълон қилиш орқали дидактик ўқув материалларини модулли ўқитишга мослаб ишлаб чиқиш, модулларни мақбулаштириб боришга эришиш лозим;

мақсадларга эришилганлик **мониторингини** юритиш ҳамда **натижалартаҳлилини** олиб бориш механизмини такомиллаштириб бориш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин;

шунингдек, “**Бухгалтерия ҳисоби назарияси**” фани ва бошқа иқтисодий фанларни ўргатишни таъминловчи модулли ўқитиш технологияси назарий-методик структурасининг илмий асоси ишлаб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш лозим.

Якуний хulosса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, “**Бухгалтерия ҳисоби назарияси**” фани ва бошқа иқтисодий фанларни ўқитишда модулли таълим технологияларини тадбиқ этиш орқали юқори самарага эриши мумкин бўлади.

Эътиборингиз
учун раҳмат